

**ЯНГИЛАНГАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚОЛИПЛАШТИРУВЧИ
БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ**

Бабашов Оринбасар,
Қозогистон Республикаси,
Туркестон вилояти,
Маҳмуд Қошгарий
мактаб-лициейи ўқитувчиси

ЯНГИЛАНГАН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мезонли баҳолаш

**ҚОЛИПЛАШТИРУВЧИ
БАҲОЛАШ**
Балл ва баҳосиз
кундаликда дарс давомида
олиб борадиган баҳолаш
тури

ЖАМЛОВЧИ БАҲОЛАШ
Натижаси бўйича балл ва баҳо
қўйилади

Қолиплаштирувчи баҳолаш – ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги қайта боғланишни таъминлайдиган ҳамда ўқув жараёнини шу вақтнинг ўзида тузатишга имконият берувчи баҳолаш тури бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- Қолиплаштирувчи баҳолашда баҳо, балл қўйилмайди;
- ҚБ чорак баҳога таъсир қилмайди;
- ўқувчиларнинг таълимий мақсадларга эришуви баҳолаш мезонларига мос амалга оширилади;
- ҳар бир ўқувчининг олға интилиши учун қайта боғланиш юзага оширилиб борилади.

Қолиплаштирувчи баҳолаш

Ўтказилади	Ахборот билан таъминлаш	Ўқувчининг хизмати
Ўқитувчи ва ўқувчи иштирокида чорак давомида ўтказилади	<ul style="list-style-type: none">Ўқувчилар ўрганилган материал бўйича топширикларни тўғри бажарган ёки бажармаганлиги тўғрисида маълумот олади;Ўқувчининг ўзлаштириши хакида ўқитувчи ахборот олади, дарс жараёнига ўзгаришлар киритади	<ul style="list-style-type: none">Таълим жараёнига фаол иштирок этади;Баҳолаш критерийлари ва дескрипторларни тушунади;Ўзини-ўзи баҳолайди, бир-бирини баҳолайди.
Ўқитувчининг хизмати		Ўтказилиш шакли
<ul style="list-style-type: none">Таълимий мақсадга мос баҳолаш критерийларини аник ёзди;баҳолаш критерийларига мос топшириклар тузади;топширикларга дескрипторлар тузади;ўқувчиларга натижалий кайта боғланиш беради;Ўқитиши ва баҳолаш жараёнига тузатиш киритади;		<ul style="list-style-type: none">яккажуфтликдагурухда

Қолиплаштирувчи баҳолаш топшириқларини тузиш алгаритми:



ДЕСКРИПТОРЛАР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТУЗИШ

Топшириқ дарс мавзусига эмас, балки таълимий мақсадларга мувофиқ берилади!!!

Топшириқлар тузиш учун ўқитувчига:

- ўқув дастури билан танишиш, таълимий мақсадларни таҳлил қилиш;
- ўқув дастурига мувофиқ таълимий мақсадлар асосида баҳолаш мезонларини тузиш;

- баҳолаш мезонлари билан фикрлаш қўниқмалари даражасига мувофиқ топшириқлар тузиш;
- топшириқларни тузиш вақтида саралаш усулини таъминлаш учун баҳолаш мезонларини ўйлаш қўниқмаларининг даражаларига бўлиш
- ҳар бир топшириққа унинг бажарилиш қадамини тавсифлайдиган дескрипторлар тузиш тавсия қилинади.

Таълимий мақсадлар тизими

Дастурдаги таълимий мақсадлар рақамлар ва ҳарфлардан иборат код билан белгиланган. Код белгисининг биринчи рақами синфи, иккинчи ва учинчи рақамлари – дастур бўлимларини, тўртинчи рақам – таълимий мақсад тартибини билдиради. Масалан, 8.2.4.1. кодли белгида “8” – синф, “2.4.” – боб ва бўлим, “1” – таълимий мақсад тартиби.

Ўқув дастури мазмуни 4 бобдан иборат:

- 1) тинглаш ва сўзлаш
- 2) ўқиш
- 3) ёзиш
- 4) адабий тил меъёрларини сақлаш

“Тинглаш ва сўзлаш” боби қўйидаги бўлимлардан таркиб топади:

- 1) матн мазмунини тушуниб этиш;
- 2) асосий мазмунни аниқлай олиш;
- 3) тингланган маълумотни қайта ҳикоя қила олиш;
- 4) воқеа-ходисаларни олдиндан шарҳлай олиш;
- 5) диалогларда қатнашиш;
- 6) тингланган материал юзасидан фикр билдириш ва баҳолай олиш;
- 7) нутқ маданиятини шакллантириш.

“Ўқиш” боби қўйидагича:

- 1) ахборотни идрок этиш, тушуниш;
- 2) матннинг тузилишини очиб кўрсата олиш, ундаги асосий фикрни аниқлаш;
- 3) ўқилган матннинг лексик ва синтактик бирликларининг қўлланишини тушуниш, ифодалай олиш;
- 4) матннинг тури ва жанрини аниқлай олиш, мазмунини шарҳлаш;
- 5) саволларни ифодалаш ва баҳолаш;
- 6) ўқишининг турли кўринишлардан фойдаланиш;
- 7) турли манбалардан зарур ахборотни қабул қилиш ва изоҳлаш бўлимлари.

“Ёзиш” боби:

- 1) режа тузиш;
- 2) аудио-видеоматериаллар ва ўқилган, тингланган материалларнинг мазмунини баён эта олиши;
- 3) матн яратишида турли адабий меъёрларга асосланиб, изчиллик билан ўз фикрини баён этиш;
- 4) турли услугуб ва жанрларда матн яратиш;
- 5) эссе ёзиш;
- 6) ижодий матн ёзиш.

“Адабий тил меъёрларини сақлаш” боби қуидаги бўлимлардан иборат:

- 1) орфографик(имловий) меъёрларга амал қилиш;
- 2) лексик меъёрларга амал қилиш;
- 3) грамматик меъёрларга амал қилиш;
- 4) пунктуацион (тиниш белгилари) меъёрларга амал қилиш;

Таълимий мақсадлар тизими

Бўлимлар Тинглаш ва сўзлаш	8 –синф	Бўлимла р ўқиши	8-синф	Бўлимл ар ёзиш	8-синф	Бўлимлар адабий тил меъёрлар ини сақлаш	8-синф
1.Матн мазмунни идроқ этиш	8.1.1.1. Матннаги асосий мазмунни тушуниш, яширин берилган ахборотни аниклаш, мақсади хакида фикр билдириш	1. Маълум отни (ахборо т) идроқ этиш.	8.2.1.1. Матннаги асосий мазмунни тушуниш, шунингдек, яширин берилган ахборотни аниклаш, мақсади хакида фикр билдириш	1. Режа тузиш	8.3.1.1. Матннинг ўзига хос жанрини инобатга олган холда оддий ва мураккаб шигатали режа тузиш	1. Орфограф ик (имловий) меъёрларг а амал қилиш	8.4.1.1. Сўзларнинг маъносига кўра турлари – омоним, синоним, кўп маъноли сўзлар, мустакил ва ёрдамчи сўзларни фарқлай олиши ва ўз ўрнида грамматик меъёрни саклаган холда кўллай олиш

Қолиплаштирувчи баҳолашда қайта боғланиш

Самарали қайта боғланиш ўқувчининг уч
саволига жавоб беради:

Менинг билимим қайси пағонада?

Мен юқори натижага қандай қўл етказаман?

Билимимни ошириш учун нима қилишим керак?



Қолиплаштирувчи баҳолашда

Қайта боғланишнинг қўйидаги усуллари бор:

“Имо-ишоралар”, “Белгилар”, “Смайликлар”

“Рағбатлантирувчи сўзлар”, “Икки юлдуз. Бир тилак”, “Қўл билан белги бериш”, “Светофор”, “Бир дақиқали эссе”, “Гапириш намуналари”, “Оғзаки баҳолаш”, викторина, сўроқлар ва бошқалар.

Қайта боғланишни ёзишда ўқитувчиларга таклифлар

Доим фойдали қайта боғланиш
бажаринг. Ўқувчиларга
ўз ва бошқаларнинг
ишини баҳолашни
ўргатинг. Изоҳсиз
айтиладиган
«нотўғри», «ёлғон»,
«ким жавоб беради?»
деган жумлалардан
эҳтиёт бўлинг. Нотўғри
ишини, уни тузатиш
учун нима қилиш
кераклигини айтинг.

Хатони эмас, тўғри
бажарилганини айтинг.
Камчиликларга йўл
қўймасликнинг
йўлини ёки
жавобларни қай тарзда
яхшилашга бўлиши
ҳакида таклиф
киритинг.
Хатолар ҳакида
қўйидагича ахборот
бериш мумкин:
Каерда хатога йўл
кўйилган
Хатонинг тури
Хатони бартараф этиш
учун тадбирлар

Ўқувчининг
жавобига
бериладиган қайта
боғланишда
«ноўрин гап»,
«бундай ўйлашга
ким ўргатди» каби
салбий сўзлардан,
сўз бирикмалардан
фойдаланманг.
Бундай сўз
бирикмалари
ўқувчига акс таъсир
этади.

Қолиплаштирувчи баҳолаш

"RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA O'ZBEK TILINI DAVLAT TILI VA XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISH MASALALARI: MAHALLIY VA XORIJIY TAJRIBA"

mauzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

Қолиплаштирувчи баҳолаш усулларини таълим фаолиятини ташкил этишнинг турли босқичларида, мавзуни тушунтириш, топшириқ бажариш, ўкувчилар билан қайта боғланиш босқичида қўллаш мумкин. Қолиплаштирувчи баҳолашни якка, жуфтлик ва кичик гурӯҳда ишлаш топшириқлар бериш орқали амалга ошириш мумкин.


Топшириқ дарс мавзусига эмас, балки таълимий мақсадларга мувофиқ берилади!!!

Узок муддатли режа бўлими	У БЎЛIM. БИОЛОГИКХИЛМА-ХИЛЛИК
Дарс мавзуси	З-ДАРС. ҚИЗИЛ КИТОБ ЭҲТИЁЖИ
Таълимий мақсадлар	8.2.8.1 мақсадли аудиторияга қаратилган турли матнларнинг мавзу доираси 8-йомпозицион курилиши, тилининг афзалликларини инобаттаг олган ҳолда матн услубининг ўзига хослигини киёслаш (ахборот, фельетон, мақола, интервью, очерк, обзор, мурожаатнома, хулинома, таржима ҳол, автобиография, аннотация, тезис, реферат, маъruzга, изохлар ва б.к); 8.4.3.1 адабий тил меъёрларига амал килган ҳолда гап бўлаклари ва уларнинг турларидан керакли жойларда тўгри ва ўринли фойдаланиш

Ўқув дастури мазмуни 4 бобдан иборат:

- 1) тинглаш ва сўзлаш
- 2) ўқиш
- 3) ёзиш
- 4) адабий тил меъёрларини саклаш

- 1.“Қизил китоб” учун нега айнан қизил ранг танланган экан?
- 2.“Қизил китоб”нинг яратилишига қандай эҳтиёж түғилган?
3. Матннинг асосий гоясини аниқланг, 1-2 жумла орқали баён этинг.
4. Веин диаграммаси орқали светофордаги чироқнинг қизил ранги билан ушбу китобнинг рангидаги ўхшашлик хусусиятларини такқосланг.
5. Матннинг охирги абзанини кўчириб ёзинг, бош бўлакларнинг тагига чизиб ёзинг.
6. Эга кесим муносабати ҳақида айтинг.



Дескрипторлар:

- савол-жавобда иштирок этади;
- матннинг асосий гоясини 1-2 жумла орқали баён этади;
- китоб ва светофор рангларини такқослади, фикрини асослади;
- бош бўлакларнинг тагига чизди, нима билан ифодаланганигини белгилайди.

Баҳолаш мезони:

- савол-жавобда иштирок этди;
- матннинг асосий гоясини 1-2 жумла орқали баён этди;
- Веин диаграммаси орқали рангларини такқослади, фикрини асослади;
- бош бўлакларнинг тагига чизди, нима билан ифодаланганигини белгилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, қолиплаштирувчи баҳолашнинг тўғри юритилиши – муваффақиятли жамловчи баҳолаш кафолатидир.